

## ФЕНОМЕН ЛЕКСИКАЛИЗАЦИИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Б.Ф. Холмухамедов<sup>1</sup>

## Аннотация

В данной статье рассматривается лексикализация узбекского языка в семантических ограничениях и разъясняются стилистические цели их существования.

*Ключевые слова:* словообразование, лексикология, лексикализация, аффиксация.

Тил тараққиёти ҳам диалектика қонунларига бўйсунган ҳолда яралишнинг соддаликдан мураккабликка, умумийликдан аниқликка, муҳсулсизликдан маҳсулдорликка қараб интилар экан, бу тарихий жараёнда тил элементларидаги семантик-грамматик чегараланишлар тобора ойдинлаша боради. Мана шу маънода тилдаги лексикализация ҳодисаси семантик чегараланишларга хизмат қилади ва уларнинг мавжудлиги стилистик мақсадлар билан изоҳланади.

Лексикализация сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги сабабли, ўзбек тилшунослигининг алоҳида соҳаси бўлган бу йўналишни тадқиқ этишга, лексикология ва грамматикага оид кузатишларда айтилган фикр-мулоҳазаларни бир жойга тўплаш орқали бу ҳодисанинг лингвистик қиёфасини тиклаш мумкин бўлади. Бунинг устига, дунё тилшунослигида, жумладан рус тилшунослигида лексикализация ҳодисасига оид махсус тадқиқотлар мавжуд. Ана шу ишлар билан танишиш ҳам маълум даражада бу ҳодиса ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради ҳамда унинг ўзбек тилидаги ўзига хос лингвистик табиати тўғрисида маълум хулосаларга келишга кўмаклашади.

А.Ҳожиёвнинг сўз ясалиши ҳамда унинг грамматика ва лексикологияга муносабати тўғрисидаги фикрлари масалани яна ҳам ойдинлаштиради. «Сўз ясалишининг лексикологияга яқинлиги ва унинг лексикология баҳсига мансублиги ҳақида гапирганда, - деб ёзади у.- сўз ясалиши натижасида ҳосил бўладиган бирликнинг лексик бирлик, лексема бўлиши ва бу бирлик лексикологиянинг ўрганиш объекти экани назарда тутилади. Лекин бу факт сўз ясалишининг лексикологияга яқинлигига ҳам, уни лексикологияга киритиш кераклигига ҳам асос бўла олмайди. Шу сабабли сўз ясалиши йилларда яратилган ишларда сўз ясалиши лексикология баҳсига мансуб деган қараш учрамайди.

Сўз ясалишини морфологияга яқинлаштириш, морфологияга боғлаш, уни морфология баҳсига киритишнинг сабаби сўз ясалишининг асосий усули аффиксация усули бўлиб, бунда ясовчи материал сифатида морфема қўлланиши, морфемани эса морфологик бирлик деб қарашдадир.

Кейинги йилларда морфема фақат морфологик бирлик эмаслиги исботланди. Шундай экан, иш кўриш материали морфемалар бўлгани учун сўз ясалишини морфологияга киритишнинг тўғри эмаслиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади» [1, 6-7].

Демак, лексикализацияни грамматикага мансуб деб ҳисобланаганда бу жараённинг содир бўлишида тилдаги икки ёки ундан ортиқ элементнинг грамматик алоқаси, лексикологияга алоқадор дейилганда эса, ҳосила маънонинг лексемага тенглиги назарда тутилади. Аммо уларнинг иккиласи ҳам лексикализация ҳодисасининг моҳиятини тўлалигича очиб бера олмайди. Лексикализация ҳақиқий маънодаги сўз ясалишидир.

Шу асосда лексикализация ҳодисаси тилдаги сўз ясалишининг бошқа усуллари каби нутқий ҳосилаларнинг мазмун ва шакл жиҳатдан яхлит бутунликка айлана бориши билан тил луғавий қатламнинг бойиб боришига ўз ҳиссасини қўшади. Шунинг учун ҳам Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар лексемалашишни соддала-

<sup>1</sup>Холмухамедов Бахтиёр Фарходович – ассистент, Самаркандский государственный университет, Узбекистан.

ниш, яхлитланиш (идеоматизация), атамалашиниш (терминлашиш, терминологизация) сингари лексемалар ҳосил бўлишининг фаол усулларидан бири сифатида эътироф этишган эди [2, 43-45].

Ўзбек тилида *хона, обод* сингари сўзлар лексикализация жараёнида иштирок этган ва улардан *босмахона, кутубхона, расадхона, майхона, ҳамхона, гапхона, қамоқхона; элобод, манзилобод, мусулмонобод, Халқобод, Нуробод, Ҳамзаобод, Зафаробод, Миробод* каби сўзлар ясалган. Аммо ўзбек тилининг кейинги тараққиётида сўзлар бу бирликлар сўз ясалиш жараёнида жуда фаоллашиб кетиб, уларнинг мустақил маъно англатишидан кўра аффиксга томон силжиш жараёни ва уларнинг аффиксоид деб атала бошлагани кузатилади. Чиндан ҳам *босмахона, кутубхона, расадхона, божхона, элчихона, корхона, ибодатхона, ҳожатхона, ётоқхона, дорихона* сингари боғланишларда *хона* сўзи мустақил маъноси билан иштирок этаётган эмас. У ўзидан олдинги сўз билан биргаликда лексикализацияга учраб, маълум бир ташкилот, муассаса, умуман манзил маъносини англатмоқда. Агар бу сўзлар рус тилига таржима қилинса, бу яна ҳам сезилади: *босмахона - типография, кутубхона - библиотека, расадхона - обсерватория, божхона - таможня, элчихона - посольства, корхона - предприятие, ибодатхона - церковь, ҳожатхона - туалет, ётоқхона - общежитие, дорихона - аптека* каби. Худди мана шу қолипда ясалган бошқа сўзларнинг ҳам таржимасини келтирамиз: *новвойхона - пекарня, чойхона - чайная, каптархона - голубятня, пивохонона - пивная, арақхона - водочная, қабулхона - приемная, молхона - коровник, гулхона - цветник, устахона - мастерская, шифохона/касалхона - больница, хушёрхона - врезвитель* ва ҳоказолар. Иккинчи ҳолатда *хона* бирлигининг аффикслагани бораётгани пайқалади. Агар *меҳмонхона* сўзи рус тилида *гостиница* ва *гостиня* тарзида икки хил ишлатилиши ҳамда бу икки ҳолатнинг бирида *меҳмонлар қабул қилинадиган идора, меҳмонлар яшайдиган жой, иккинчисидан бир уйнинг таркибидаги меҳмонларни қабул қиладиган жой* ёки *меҳмонлар дам оладиган/ухлайдиган жой* маъносида тушунилиши масалани яна ҳам ойдинлаштиради. Шунинг учун ҳам, *молхона, чўчқахона, қўйхона, товўқхона, бузоқхона, отхона, тезакхона* ёки *ичимликхона, ишратхона, маишатхона, арақхона, пивохонона* сингари қўшма сўзлар компонентларининг бирикувини лексикализациялашган деб айтишга қийналамиз. Фақат бу сўзлар таркибидаги биринчи компонентнинг, юқорида таъкидлаганимиздек, метонимик ҳолатда бўлиши мушкулни осонлаштириши мумкин. Бунинг аксича, *ғамхона, хаёлхона, хилхона, эсхона* сўзлари ҳақиқий маънодаги лексикализация ҳодисаси маҳсули деб айта оламиз.

Аммо биз бу ўринда *хона* ва *обод* аффиксоидларини *-ой, -гул, -жон, -той, -бой, -биби, -хон, -бону, -пошша, -бека, -нисо* сингари аффиксоидлар билан тенглаштира олмаимиз. Чунки кейингилари янги сўз ясалиш жараёнида эмас, балки субъектив баҳо шакллари ясалишидагина иштирок этади, бинобарин, лексикализация жараёнида қатнашмайди [4,117-138].

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, лексикализация ҳодисасини тор маънода – фақатгина сўз ясалиш доирасидагина тушунмасдан, уларнинг қамровини каттароқ олиб, инсон онгидаги лексик маъноларнинг шаклланиши маъносида ҳам тушуниш керак бўлади.

#### Адабиётлар

1. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. - Тошкент, 6-7-бетлар
2. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикология асослари. -Тошкент, 1995.
3. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Тошкент,
4. Тимофеев К.А. Сўз ясалишида вариантлик. Сборник «Вариативные отношения в лексике». - Новосибирск, 1986.
5. Кўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. - Тошкент: Фан, 1980.

©Б.Ф. Холмухамедов, 2019.